# Ш А Р Т Н О М А № 02

*(сиқилган газ (метан) сотиш учун)*

«05» январ 2022 й. Самарқанд тумани.

Бизлар, бир томондан **«ЦМТ СПЕКТР ЁИМ» МЧЖ рахбари Ў.Мамиров** кейинчалик «Сотувчи» деб номланади, иккинчи томондан РИТ ва ОИЛАТИ СФ директори Маматкулов Ю Х кейинчалик «Харидор» деб номланади, амалдаги корхона Низомига асосан қуйидаги шартномани туздик:

## 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.«Сотувчи» махсулотни сотиш мажбуриятини, «Харидор» эса сотиб олинган махсулот учун ўз вақтида пул тўловларини сотувчини хисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Жами I-йилга бериладиган махсулот миқдори | Жами I-йилга бериладиган махсулот суммаси | Шу жумладан йил чораклари бўйича | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | I | сумма | II | сумма | III | сумма | IV | сумма |
| I | Сиқилган газ(метан) | Куб.м | 12000 | 30000000 | 3000 | 7500000 | 3000 | 7500000 | 3000 | 7500000 | 3000 | 7500000 |

1.2. «Сотувчи» махсулотни автомобилларга сикилган газ(метан) қуйиш шахобчаси (АГТКШ) орқали, «Харидор» нинг махсус сиқилган газ (метан) билан ишлайдиган жиҳозланган автомашиналари орқали амалга оширади.

1.3. «Харидор»нинг автомашинасига қуйилган махсулот куни, махсулотни етказиш санаси хисобланади.

## 2.ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1. Табиий газ, ёқилғи, энергетик ресурслар таннархи ўзгарганда хамда Ўзбекистон Республикасида харакатда бўлган қонун ва қарорларга тегишли ўзгартиришлар киритилганда, шартномада махсулот учун кўрсатилган нарх томонлар келишуви билан ўзгартирилади.

2.2.Махсулот учун тўлов олинган кундаги нарх билан амалга оширилади.

2.3.Махсулот «Харидор»га тарқатиш варақасида қайд қилинган холда берилади.

2.4.Махсулот учун «Харидор» томонидан «Сотувчи»нинг хисоб рақамига 100 фоиз пул олдиндан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

## 3.ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 «Харидор»нинг мажбуриятлари:

а) белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотларини қуйиш учун махсус рухсатнома олиш.

б) газ баллонининг геометрик хажми ва техник холати тўғрисида хайдовчининг йўл варақасига тегишли белги қўйиш.

в) автомашинанинг газ баллон ускунасини соз холда сақлаш.

г) газ махсулотларидан фойдаланиш қоидаларига, техник хавфсизлиги масалаларига тўлиқ риоя қилиш.

3.2. «Харидор» газ махсулотлари билан ишлайдиган, қайта жихозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва автомашинани техник холати учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.3. «Сотувчи»нинг мажбуриятлари:

а) автомашинадаги мавжуд ўлчов ускуналарини созлигини ва бу мосламалардан тўғри фойдаланиётганлиги назорат қилиш;

б) автомашина хайдовчисини газга кайта жихозланган автомашинани бошкариш учун гувоҳнома борлигини текшириш;

в) «Харидор» томонидан шартнома шартларини бузиш ва техник хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш холати аниқланганда, махсулот беришни тўхтатиш;

3.4.Томонлар махсулот хажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан холда ойлик газ миқдорини бир маромда узатиш ва қабул қилиши шарт.

3.5. «Харидор» сотиб олган махсулотни истеъмол қилиш даврида хар бир юзага келган ўзгаришлар хақида чорак бошланишдан 15 кун олдин «Сотувчи» га ёзма равишда хабар қилиши шарт.

3.6. «Сотувчи» газ қуйиш шахобчаларида мавжуд бўлган ускуналарни навбатдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий таъмирлаш ишларини бошлашдан 5 кун олдин, харидорга хабар қилиши шарт.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. «Харидор» шартномада кўрсатилган хажмдаги сикилган газ(метан)дан кўпроқ миқдорда олмоқчи бўлган тақдирда, томонлар ўртасида ушбу шартномага қўшимча келишув тузилади.

4.2. «Сотувчи» шартномада кўрсатилган махсулот билан «Харидор»ни ўз вақтида таъминлай олмаса, қуйидаги холларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

а) электр тармоқларида содир бўлган авария холатларида;

б) табиий офатлар (ёнғин, ер қимирлаш, сув тошқинлари) юз берган холатларда.

в) Юқори кучланишли электр тармоқларининг таъмирлаш учун ўчирилганида.

г) Таъминотчи корхона томонидан тармоқларда узилишлар содир бўлганда.

4.3.Шартномада кўрсатилиб ўтилган мажбуриятларни бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари бўйича жавобгардирлар.

## 5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Томонлар шартномани имзолаган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

5.2.Шартнома 2 нусхада тузилиб, «Сотувчи» ва «Харидор»га тақдим этилади.

5.3.Шартномада кўрсатилмаган масалалар амалдаги қонунлар ва тегишли хужжатлар асосида ҳал қилинади.

5.4.Мазкур шартнома бўйича юзага келган низолар амалдаги қонунчиликка асосан ҳал қилинади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

**«СОТУВЧИ»**

**“ЦМТ СПЕКТР ЁИМ” МЧЖ**
**Самарқанд тумани, У.Самиев 90**
**х/р 20208000100361483001**
**АТБ Хамкорбанк Боғишамол ф-л**
**МФО 01126 ИНН 201831692**
**ОКЕД:79900 Код НДС:318200041719**

_______________ Ў.Мамиров

**«ХАРИДОР»**

РИИАТ ва ОИАТМ СФ
Самарқанд шаҳар Б.Рашидов 73
х/р: 40142860184017073201084002
АТБ Тошкент ш ХККМ
МФО 00014 ИНН: 201844520
ОКЭД 86100

Директор _______________ О.Х. Мамашукуров

Бухгалтер _______________ У.Давронов

Guvohnoma: Samarqand viloyati, Samarqand tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"CMT-SPEKTR-YOIM" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"CMT-SPEKTR-YOIM" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.09.2001 347 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 201831692

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Ohalik, Usmon Sameyev ko'chasi, 90 "A"-uy.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси "Ўздавнефтгазинспекция"

# ЛИЦЕНЗИЯ

АА № 0267

Мазкур лицензия билан **"CMT-SPEKTR-YOIM"**
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)
**масъулияти чекланган жамияти**
га

**Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гўрўғли кўчаси, 2-уйда**
(рухсат этилган фаолият тури)
**жойлашган АГТКШ орқали сиқилган табиий газни сотиш**
билан

шуғулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): **Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, У.Самиев кўчаси, 90-уй**

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: **201 831 692**

Лицензия берилган сана: **2018** й. **17 декабрь**

Лицензиянинг амал қилиш муддати **беш йил**

Реестр бўйича тартиб рақами: **№ 225**

Ваколатли шахс: **Н. Агзамов**
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ______ й. ______ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ______
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати ______ й. ______ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: ______
(исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.